

## ТОШКЕНТ ШАҲАР СУДИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ АПЕЛЛЯЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ А Ж Р И М И

2024 йил сентябрь ойининг 12 кун, Тошкент шаҳар суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанцияси, ўз биносида, очиқ суд мажлисида, раислик қилувчи судья: М.Мирзохидов, ҳайъат судьялари: Н.Касимова ва О.Мухаммадиевлардан иборат таркибида, судья катта ёрдамчиси С.Сулаймоновнинг котиблигида, тарафлардан – прокурор Ш.Шомирзаев, судланувчи Ф.И.О ва унинг ҳимоячиси-адвокат Б.Файзиевнинг иштирокида, Ф.И.Ога оид 1-1003-2404/395-сонли жиноят иши бўйича маҳкум Ф.И.О томонидан келтирилган апелляция шикоятини асосида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

### А Н И Қ Л А Д И:

Жиноят ишлари бўйича Шайхонтохур туман судининг 2024 йил 23 июлдаги ҳукми билан судланган

23.03.1968 йилда Туркменистон Республикасида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти тугалланмаган олий, оиласидан ажрашган, вақтинча ишсиз, муқаддам:

- 1) Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳар судининг 29.12.1999 йилдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 159-моддаси 3-қисми “б” банди, 244<sup>1</sup>-моддаси 3-қисми “а” банди ва 244<sup>2</sup>-моддаси 1-қисми билан 12 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган;
- 2) жиноят ишлари бўйича Қўнғирот туман судининг 15.07.2008 йилдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 221-моддаси 2-қисмининг “б” банди билан ЖКнинг 60-моддаси тартибида 6 йил-у 2 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган;
- 3) жиноят ишлари бўйича Зарафшон шаҳар судининг 14.08.2014 йилдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 221-моддаси 2-қисмининг “б” банди билан ЖКнинг 60-моддаси тартибида 3 йил-у 10 кун муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган;
- 4) жиноят ишлари бўйича Навоий шаҳар судининг 28.09.2017 йилдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 221-моддаси 2-қисмининг “б” банди билан ЖКнинг 60-моддаси тартибида 3 йил-у 1 кун муддатга озодликдан



махрум қилиш жазоси тайинланган, 23.08.2020 йилда жазо муддати тугаши муносабати билан озод этилган, ЖКнинг 78-моддаси талабида судланганлик ҳолати тугалланмаган, Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Бўрижар МФЙ, 24а-мавзеси, 17-уй, 804-хонадонда истиқомат қилган, иш бўйича қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланган, 22.02.2024 йилдан қамоқда сақланаётган **Ф.И.О** –

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 159-моддаси 3-қисми “а,б” бандлари ва 244<sup>2</sup>-моддаси 1-қисми билан, ЖКнинг 59-моддаси тартибида жиноятлар мажмуи тариқасида узил-кесил ўташлик учун ЎН ИККИ йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 34-моддаси 3-қисми “а” бандига асосан ўта хавфли рецидивист деб топилиб, жазо махсус тартибли колонияларда ўтаттирилиши белгиланган.

Иш бўйича ашёвий далил деб топилган 2 дона “DVD+R” дисклар жиноят иши ҳужжатлари билан биргаликда сақлаш учун қолдирилган.

Суднинг ҳукмига кўра, Ф.И.О Тақиюддин Набихоний томонидан ер юзида мусулмон давлатларида мавжуд бўлган тузумни ўзгартириб, “Халифалик” давлатини тузишлик ва бу мақсадни амалга оширишлик учун “Ислом дини” ниқоби остида “Ҳизб ут-Таҳрир” (озодлик) партиясига асос солиниб, бу партияди идорий тўпламлари ва қонунлари ишлаб чиқилган. Партия аъзолари ўртасида мансабдорлик вазифалари белгиланган бўлиб унга кўра, “Халифалик давлати”ни энг катта раҳбари “Амир-қиёдат”, маълум давлат бошлиғини “Мўътамад”, вилоят бўйича бошлиғини “Масъул”, унинг ёрдамчиларини “Мусоид”, туман бўйича раҳбарларини “Нақиб”, унинг ёрдамчисини “Нақиб ёрдамчиси”, бу партиёга кирувчиларни ўқишларига масъуллар “Мушриф”, партиёга кириш учун етарли даражага эришган, оқимга аъзо бўлиш қасамини ичганларни “Хизбий” ва бу партиёга кириш учун таҳсил олаётган лекин оқимга аъзо бўлиш қасамини ичмаганларни “Дорис” лар деб номлаганлар.

“Ҳизб ут-Таҳрир” партиясини асосчиси Тақиюддин Набихоний вафотидан кейин мазкур партия аъзоси Фаластинлик ҳозирги кунда Йордания давлатида истиқомат қилувчи Абдулкаддим Заллум томонидан бошқарилиб, партиядинг асосий мақсади мусулмон давлатлари ўртасида “Халифалик” давлатининг ғояларини тарғиб қилиб, келажакда ер юзида ягона давлат тузиш, унинг таркибига барча мусулмон давлатларини итоат эттириб бирлаштириш, давлатни шарият қонунлари асосида бошқаришни, амалдаги давлат бошқарувини ағдаришни, бунинг учун асосан ёшларни онгини ўзгартиришни ва ёшларга “Ҳизб” ғояларини сингдириб, уларда шундай давлат тузилишига истақ ва интилиш уйғонишлиги учун фаол ҳаракатларни амалга оширганлар.



Бу партия ўзининг ғояларини бошқа мусулмон давлатлари қатори Ўзбекистон Республикасига ҳам Иорданиялик “Салоҳиддин” исмли фуқаро томонидан олиб кирилиб, 1995 йилдан бошлаб Х.М.Носиров ва Н.А.Сайидаминовлар ташкилотчилигида Ислом дини ниқоби остида Ўзбекистон Республикасининг амалдаги давлат тузумини Конституцияга хилоф тарзда ўзгартиришга, ҳокимиятни босиб олиб, ўрнига “Ҳалифалик” давлати тузумини тиклаш учун норасмий “Ҳизб ут-Таҳрир” деб номланган уюшган гуруҳ тузишган.

Жумладан, у 2022 йилнинг ёз ойларида таниши 1971 йилда туғилган Исмаилходжаев Равшан Салиходжаевич билан биргаликда, Тошкент шаҳрида “Ҳизб ут-Таҳрир” экстремистик ташкилоти фаолиятини қайта тиклаб, муқаддам “Ҳизб ут-Таҳрир” экстремистик ташкилоти таркибида қилган фаолият учун жазо муддатини ўтаб чиққан биродарлари ҳисобланган Атаходжаев Саидахроп Рустамович, Шахидов Дилшод Захидович, Нуржонов Қанат Азимович, Мирвахидов Хусан Мирвоҳид ўғли, Баратов Абдусаттар Аширович, Исмаилходжаев Фарҳад Салиходжаевич, Комолов Дилшод Аҳмаджонович ва бошқаларни жалб қилиб, уюшган гуруҳ таркибида, хавfli рецидив бўлгани ҳолда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги давлат тузумини Конституцияга хилоф тарзда ўзгартиришга, ҳокимиятни босиб олишга ёхуд қонуний равишда сайлаб қўйилган ёки тайинланган ҳокимият вакиллари ҳокимиятдан четлатишга ёхуд Ўзбекистон Республикаси ҳудудий яхлитлигини Конституцияга хилоф тарзда бузиш мақсадида, интернетнинг “Telegram” ижтимоий тармоғида ташкил қилинган “OFFICE\_5” номли гуруҳда виртуал жамоат йиғилишларни ўтказиб, жамоат аъзолари билан биргаликда “Ҳизб ут-Таҳрир” экстремистик ташкилот ғоялари билан йўғрилган, амалдаги давлат тузумини Конституцияга хилоф равишда ўзгартиришга хизмат қилувчи турли кўринишдаги электрон шаклдаги “Ислом низоми”, “Сиёсий ҳаракатлантириш”, “Босқич”, “Ҳизбий Уюшма Такатул”, “Уммати касб қилиб”, “Ҳизбий уюшма” ва бошқа китобларни, “Ал-Ваъй”, “Онғ” ва бошқа журналларни, аудио ва видео маърузаларни эшитиб, ўрганиб онглари заҳарланган ҳолда ташкилот тарафдорлари сафини кенгайтириш ва дунёда ягона, шариат қонунларига асосланган “Ҳалифалик” давлатини барпо этиш мақсадида ислом динига қизиқиши бўлган шахслар орасида “Ҳизб ут-таҳрир” экстремистик ташкилот ғояларини кенг ёйиш борасида тарғибот ишларини олиб борган.

Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмита томонидан берилган IS-1235-сонли хулосасида 2\_5305425396823501367 номли овозли файлда “Ҳизб ут-таҳрир” ташкилотининг услубига ўхшаш жиҳатлар бўлганлиги сабабли уларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш, тайёрлаш ва тарқатиш тақиқланиши кўрсатилган.

Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертиза марказининг 29/16(3496)23.1Z/7334-сонли суд-фонографик хулосасида



интернетнинг “Telegram” ижтимоий тармоғидаги “OFFICE\_5” номли гуруҳда 10.04.2023 йил соат 08:58 да жойланган 02 дақиқа 16 сонiali 2\_5305425396823501367 номли файлдаги овоз ва нутқ А.Ю.Нурметовга тегишли эканлиги кўрсатилган.

Бундан ташқари, Ф.И.О, ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, 2020 йил август ойидан, 2024 йил февраль ойида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари томонидан қўлга олингунга қадар бўлган вақт оралиғида, Ҳизб ут-Таҳрир” экстремистик ташкилотга аъзо бўлиш учун Аллоҳ номидан қасам ичиб аъзо бўлиб кириб, дорис сифатида фаолият юритиб, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолияти тақиқланган, ғайриқонуний “Ҳизб ут-Таҳрир” (Озодлик партияси) экстремистик ташкилоти фаолиятида иштирок этиб келган.

Маҳкум Ф.И.О апелляция шикоятда, унинг ҳаракатлари нотўғри талқин қилинганлигини, у аввалги жинояти учун жазони тўлиқ ўтаб чиққанидан сўнг, ҳеч қандай гуруҳга аъзо бўлмаганлиги, дарслар олмаганлиги, фақатгина гуруҳда “иймонлашиб” келганлиги, ҳеч кимни “Ҳизбут-Таҳрир”га жалб қилмаганлиги билдириб, иш бўйича қонуний қарор қабул қилишни сўраган.

Апелляция инстанцияси судлов ҳайъати, иш бўйича судья М.Мирзохидовнинг маърузасини, прокурор Ш.Шомирзаевнинг суд ҳукмини ўзгаришсиз қолдириш ҳақидаги хулосасини, маҳкум Ф.И.О ва унинг ҳимоячиси-адвокат Б.Файзиевнинг апелляция шикоятини қаноатлантириш ҳақидаги фикрларини тинглаб, шикоятда келтирилган важларни муҳокама қилиб, жиноят иши ҳужжатларини тафтиш қилиб, қуйидагиларга асосан, суд ҳукмини ўзгаришсиз қолдиришни лозим топади.

Суд ҳақиқий ҳолатни аниқлашда, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 22 ва 26-моддалари талабига мувофиқ жиноят ишини синчковлик билан ҳар томонлама тўлиқ ўрганиб чиқиб, асосли хулосага келган.

Суд ҳукмида баён этилган хулосалар ҳақиқий иш ҳолатига мувофиқ бўлиб, ушбу хулосалар суд муҳокамасида Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 94, 95-моддалари тартибида баҳоланган далиллар билан асослантирилган.

Биринчи босқич суди томонидан судланган Ф.И.Онинг жиноий ҳаракатларини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 159-моддаси 3-қисми “а,б” бандлари ва 244<sup>2</sup>-моддаси 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган.

Биринчи босқич суди Ф.И.Онинг айби, жиноят ишида тўпланган ва судда текшириш йўли билан аниқланган: ИИО ФМБ ходимларининг билдиргилари, ашъвий далилни олиш баённомаси, шунингдек, иш материалларида мавжуд бўлган бошқа объектив далиллар билан ўз тасдиғини тўлиқ топган деб, тўғри хулосага келган.

Биринчи босқич суди, судланган Ф.И.Ога нисбатан жазо



тайинлашда, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 8,54-моддаларида назарда тутилган жазонинг адолатли бўлиши, ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, содир этилган жиноятларнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги тўғрисидаги қонун талаби, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида” ги ва 2014 йил 23 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида” ги Қарорларида назарда тутилган тушунтиришларини инобатга олиб, унга нисбатан санкция доирасида озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ жазо тайинлаш билан бир қаторда, уни муқаддам ўта оғир жиноят учун ҳукм қилиниб, 5 йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум этилганидан сўнг, янги ўта оғир жиноят содир этганлигини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 34-моддаси 3-қисми “а” бандига асосан ўта хавfli рецидивист деб топиб, тўғри хулосага келган.

Юқоридагиларга кўра, апелляция инстанция суди биринчи инстанция судининг ҳукмини ўзгартириш ёки бекор қилиш учун асослар мавжуд эмас деб ҳисоблаб, суд ҳукмини ўзгаришсиз қолдиришни лозим топади.

Юқоридагиларга кўра ва Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 497<sup>22</sup>, 497<sup>26</sup>, 497<sup>31</sup>-моддаларига амал қилиб, апелляция инстанцияси судлов ҳайъати

### **А Ж Р И М Қ И Л А Д И:**

Жиноят ишлари бўйича Шайхонтохур туман судининг 2024 йил 23 июлдаги **Ф.И.О**га нисбатан чиқарилган ҳукм ўзгаришсиз, апелляция шикоятни қаноатлантирилмасдан қолдирилсин.

Ажримдан норози тарафларга Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 511-моддасига асосан Тошкент шаҳар суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига тафтиш тартибида шикоят бериши ёки протест билдириш ҳуқуқи тушунтирилсин.

**Раислик қилувчи:**

**/имзо/**

**М.Мирзохидов**

**Ҳайъат судьялари:**

**/имзо/**

**Н.Касимова**

**/имзо/**

**О.Мухаммадиев**

*Ажрим аслига тўғри;*

